



“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Андижон вилоят кўп тармоқли
тиббиёт маркази бош шифокори
А.Ш.Мирзажонов
“05” Январь 2022 йил

**Андижон вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази
танлов комиссияси йиғилиши**

БАЁНИ № 1

“ 5” Январь 2022 йил
Соат 10:00 да
Раислик қилувчи:
М.Г.Самигулин

Андижон шаҳар

- Андижон вилоят кўп тармоқли
тиббиёт марказининг бош
шифокор муовини, ишчи-гуруҳ
раиси

Қатнашдилар:

Танлов комиссияси аъзолари
(Рўйхат бўйича)

КУН ТАРТИБИ :

**Андижон вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида аутсорсер хизматларини
ташқил этиш (даволанувчи беморларни овқат билан таъминлаш)
Анд.ш.Огахий кучаси №3 уй Андижон вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази
мажлислар зали танлов утказиш вақти 10:00)**

(Н.Эргашев, К.Нажмиддинов, Ш.Юлдашев, Р.Абдухалилов, И.Фозилов, Ш.Хусанов)

Кун тартибидаги масала бўйича ишчи гуруҳи аъзоси И.Фозилов, ўз сўзида Андижон вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида аутсорсер хизматларини ташқил этиш, бунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 10 январь кунги №16-сонли Қарорининг 3 боб 9 бандига асосан Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат харидлари тўғрисида»ги Қонунини амалга ошириш чоратадбирлари тўғрисида» 2018 йил 27 сентябрдаги ПҚ-3953-сон қарорига мувофиқ, давлат буюртмачилари томонидан тўғридан-тўғри шартномалар бўйича харид қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) рўйхатидан ташқари барча ҳолларда аутсорсерни танлаш, тўғридан-тўғри шартномалар бўйича аутсорсер энг яхши таклифларни тақдим этган талабгорлар орасидан танлаб олиш, Танлов жараёнида катта иш тажрибасига, тегишли молиявий, моддий-техника ва логистика базасига эга бўлган талабгорларга устунлик беришга асосан 2021 йил утказилган тендерда голиб деб топилган “Зилол сут иёномлари” МЧЖ билан шартнома имзоланганлиги ҳамда ҳозирда ушбу жамият томонидан беморларга сифатли иссик овқат етказиб берилаётганлиги тўғрисида маълумот бериб ўтди.

Кун тартибидаги масала юзасидан гуруҳ аъзоси Ш.Юлдашев, ўз сўзида аутсорсерга “Зилол сут иёномлари” МЧЖ га куйилган талаблар яъний тадбиркорлик субъекти бўлиши;

аутсорсинг хизмати бўйича камида уч ойлик шартнома суммасига тенг айланма маблағларга эга бўлиши;

молиявий аҳволи барқарорлиги, солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлиги мавжуд эмаслиги;

қонун ҳужжатларига мувофиқ фаолият тури лицензия ёки рухсатнома талаб этадиган фаолият турлари бўйича тегишли лицензияга ёки рухсатномага эга бўлиши